

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОРТИҚБОЕВ ЖАХОНГИР ОРТИҚБОЙ ЎҒЛИ

**СИНДИАЛИЗ АРТЕРИАЛ ГИПОТОНИЯНИНГ КЛИНИК ВА
ПАТОГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАРИ: ДАВОЛАШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

УДК: 616.61-78: 616.12-008.331.4

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Ортикбоев Жахонгир Ортикбой ўғли

Синдиализ артериал гипотониянинг клиник ва патогенетик

механизмлари: даволашни оптималлаштириш ва профилактикаси..... 3

Ортикбоев Жахонгир Ортикбой угли

Клинико-патогенетическое механизмы синдиализной артериальной

гипотонии: оптимизация терапии и профилактика..... 25

Ortikboev Jakhongir Ortikboy ogli

Clinical and pathogenetic mechanisms of syndialysis arterial hypotension:

optimization of therapy and prevention..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОРТИҚБОЕВ ЖАХОНГИР ОРТИҚБОЙ ЎҒЛИ

**СИНДИАЛИЗ АРТЕРИАЛ ГИПОТОНИЯНИНГ КЛИНИК ВА
ПАТОГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАРИ: ДАВОЛАШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1328 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Даминов Ботир Турғунпўлатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нуриллаева Наргиза Мухтархановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Собиров Максуд Атабаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « 5 » январ соат 13.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй, Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси Мажлислар зали. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (316 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил « 16 » декабр куни таркатилди.
(2021 йил « 16 » декабр даги 16 рақамли реестр баённомаси).



А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда бугунги кунда интрадиализ гипотензия, айниқса кекса ёшдагилар ва юрак-қон томир касалликлари бўлган беморларда етакчи муаммо бўлиб қолмоқда. Бундай устунликни юрак ва қон томирларининг тузилмавий аномалиялари, суёқлик ҳолатининг ўзгаришлари беморларнинг сезувчанлигини ошириши билан изоҳлаш мумкин. Синдиализ артериал гипотония (САГ) нафақат бемор ахволини оғирлаштиради, балки ўлим ҳолатларини ҳам кўпайтиради. Сўнгги маълумотларга кўра, «... диализдан кейинги қон босимининг паст бўлиши ўлим хавфининг ишончли ошиши билан боғлиқ...»¹. Шунинг учун интрадиализ гипотензиянинг олдини олиш, айниқса кекса ва заиф беморларда, муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда ҳозирги вақтда диализли беморларда артериал қон босими (АҚБ) қониқарсиз назорат қилиниши ҳақидаги масалалар муаммо бўлиб қолмоқда. Буни юрак-қон томир касалликларидан хасталаниш ва ўлимнинг пасайишида аҳамиятли муваффақиятларга эришилган умумий ҳолатдан фарқли ўлароқ, гемодиализ муолажасининг техник жиҳатдан такомиллаштирилганлигига қарамай, диализли беморларда ушбу кўрсаткичларнинг жадал ўсишини кўрсатиб берувчи бош сабаблардан бири сифатида қараш мумкин.

Республикамиз тиббиёт ходимларига соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида нефрологик касалликларни тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. «... Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби муҳим вазифалар тиббиёт ходимлари зиммасига юкланмоқда. Ушбу вазифалар аҳоли орасида кенг тарқалган касалликларни ташхислаш ҳамда даволаш усулларини такомиллаштириш, шунингдек, замонавий тиббий хизмат кўрсатишни янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касаллик асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-

¹ (Б. Т. Бибиқов ва ҳаммуал., 2009; А.І. Voinescu et al., 2009)Насонов Е.І. Ревматоидный артрит: проблемы ремиссии и резистентности к терапии / Е.І. Насонов, Ю.А. Олюнин, А.М. Ли́ла // Научно-практическая ревматология. – 2018. – № 56(3). – С.263-271.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590–сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 12 июлдаги ПҚ-3846-сон билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрологик ва гемодиализ хизмати кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорлари ҳамда мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармокология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда сурункали буйрак касаллиги (СБК) билан оғриган беморлар сонининг оғишмай ўсиб бориши кузатилмоқда. Россия Федерацияси ҳудудида сўнгги ўн йилликда СБК учраш ҳолатлари 1 миллион аҳолига 100-600 беморни ташкил қилган. СБК тарқалганлиги ҳақидаги маълумотлар беморлар томонидан қилинган муружаатлар ва диализ марказларининг маълумотларига асосланганлиги туфайли, СБК билан хасталаниш даражаси етарлича баҳоланмаслиги мумкин. (А. В. Суворов ва ҳамуал., 2010). Сўнгги беш йилда гемодиализ муолажасини қабул қилаётган беморлар сони 25% га ортди, ва ҳозирги кунда уларнинг сони тахминан 2 млн нафарни ташкил қилади. Бундай беморларнинг энг кўп сони ривожланаётган мамлакатларда (жумладан Ўзбекистонда) қайд этилган – сўнгги 5 йил ичида беморлар сони 50% га ортган (С.Е. Хорошилов, В.Ю.Шило, ва ҳамуал., 2010).

Илмий ишларни таҳлил қилиш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, клиник тадқиқотларда беморларнинг катта гуруҳида диализловчи эритмада унинг фиксацияланган концентрацияси билан таққосланганда натрий концентрациясини профилирлашнинг афзалликларини намоён қилувчи ишонарли маълумотлар олинмаган (Е.А. Стецюк, 2015). Диализловчи эритмада натрий концентрациясининг пастлиги гипотониянинг ривожланишига олиб (F. Locatelli et al., 2014; A. Davenport, 2016). Диализловчи эритмада калий концентрациясининг АҚБ га таъсир кўрсатиши ҳақидаги масала мунозарали бўлиб қолмоқда. L. Gabutti et al. (2011) маълумотига кўра, САГ нинг ривожланиш хавфи диализловчи эритмада калий даражаси билан тесқари корреляцияланади. Шу билан бирга, G. Dolson et al. (2005) диализловчи эритмадаги калийнинг даражаси турлича бўлганида интрадиализ АҚБ да тафовутларни кузатмадилар, бироқ диализловчи эритмада калийнинг концентрацияси 1 ммоль/л бўлган беморларда гемодиализдан сўнг “рикошет” артериал гипертензияни аниқладилар. Шуни таъкидлаш лозимки, гемодиализ муолажаси вақтида зардобдаги калийнинг концентрацияси ва унинг ўзгаришлари, ҳаёт учун бевосита хавф солувчи, юрак аритмияларининг генезида (F. Locatelli et al., 2014) муҳим рол ўйнаши мумкин (А. Ю. Николаев ва ҳаммуал., 2009; L. M.

Phillipps et al., 2010). Шунингдек диализловчи эритмадаги калцийнинг миқдори ҳам интрадиализ АҚБ га таъсир кўрсатади. Калцийнинг юқори концентрацияси юрак қисқарувчанлигининг кучайиши, юракдан қон отилишининг ошиши ва, шу билан бирга гемодинамик барқарорликнинг сақланишига олиб келади (J. Kyriazis et al., 2012)

Ҳозирги кунда мамлақатимизда сурункали буйрак етишмовчилиги муаммоси бўйича қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда (Б.Т. Даминов 2016, 2018, 2020; М.О.Собиров, 2017; Ш.С.Абдуллаев, 2017; Д.А. Эгамбердиева 2020). Диастолик дисфункция сурункали буйрак етишмовчилиги билан оғриган кўпчилик беморларда кузатилади, бунда диастолик бузилишларнинг спектри турличадир. Диастолик бузилишларнинг қай бири интрадиализ гипотензияга сабаб бўлади ёки унга олиб келиши маълум эмас. Интрадиализ гипотензиянинг ривожланиш хавфи юқори. (Даминов Б.Т., Абдуллаев Ш.С., 2017). Синдиализ артериал гипотония аритмиянинг юзага келишида сабабчи бўлиб ҳисобланади. ГД муолажасини кўтара олмаслик юзага келади, бу кўпинча диализ муолажаси вақтининг қисқаришига олиб келади. САГ юзага келганда тромбозлар хавфи ошади ва томирга тушиш имкони пасаяди (Даминов Б.Т., Мирзаева Б.М.,).

Оқсил-энергетик етишмовчилик дастурий гемодиализ терапиясини олувчи беморларда тарқалган муаммо ҳисобланади ва 18-56% ҳолатларда учрайди. Кам калорияли озуқа, оқсилни етарлича истеъмол қилмаслик, гемодиализ муолажасининг ўзи ўлим хавфини оширувчи оқсил-энергетик етишмовчилигининг ривожланишига олиб келади (J. M. Veeman et al., 2013). Шундай қилиб, САГ ни самарали даволаш ҳанузгача нефрологлар учун жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Таққослаш тадқиқотларининг кам бўлганлиги боис, умумқабул қилинган қўлланма тамойиллари мавжуд эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот режалари № 01980006703 «Сурункали буйрак касалликларининг замонавий ташхисоти ва даволаш самарадорлигини оширишнинг истикболли йулларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2014-2018 йй).

Тадқиқот мақсади синдиализ гипотониянинг клиник-патогенетик механизмлари ва дастурий гемодилиз билан даволанаётган беморларда унинг кечиши хусусиятларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

анамнез ва гемодиализнинг давомийлигига боғлиқ ҳолда синдиализ артериал гипотониянинг тарқалганлигини аниқлаш;

синдиализ гипотония белгиларига эга бўлган беморларда унинг ривожланиши ва нутритив ҳолатини ўзаро боғлиқлигини ўрганиш;

синдиализ гипотониянинг диализ орасида тана вазнининг қўшилиши ва ультрафилтрация ҳажмининг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш;

тана таркибининг биомпенданс мониторингини ҳисобга олган ҳолда синдиализ гипотониянинг юзага келишини баҳолаш;

олинган натижаларни тизимлаштириш асосида синдиализ артериал гипотониянинг ривожланиши алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Республика Ихтисослаштирилган Нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббий марказида 140 нафар сурункали буйрак касаллиги (СБК) нинг 5-босқичида бўлган, шунингдек 1 йил ва ундан ортиқ вақт мобайнида дастурий гемодиализ усули билан буйрак ўрнини босувчи терапия қабул қилаётган беморлар танлаб олинган.

Тадқиқот предмети сифатида қон зардоби, биокимёвий тадқиқот натижалари, ЭхоКГ маълумотлари олинган.

Тадқиқоднинг мақсади синдиализ артериал гипотониянинг клиник-патогенетик механизмлари ва дастурий гемодиализ билан даволанаётган беморларда унинг кечиши хусусиятларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бор синдиализ артериал гипотония бор беморларда биоимпедансометрия усули ёрдамида тана тўқимаси таркибидаги ўзгаришлар ҳамда нутритив ҳолат динамикаси аниқланган;

гемодиализ билан даволанаётган беморларда синдиализ артериал гипотенз иясининг ривожланиши билан диализлараро вазн ортиши ва ультрафилтрация ҳажми каби турли омиллар таъсири, шунингдек уларнинг мутлақ қийматларининг "қуруқ" вазнга нисбати аниқланган;

интрадиализ гипотония ҳолатларида натрий, паратгормон, темир, гидроксид фосфатаза, ферритин, магний каби лабораторатор кўрсаткичларнинг ўзгариши билан клиник белгилар ифодаланганлик даражаси орасида узвий боғлиқлик аниқланган;

дастурлаштирилган гемодиализ билан даволанаётган беморларда гемодиализ сеанси вақтида артериал қон босими ўзгаришининг нисбий кўрсаткичлари ва қатор клиник-лаборатор маълумотлар орасидаги корреляцион боғлиқлик аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари.

САГ хавф омилларини таҳлил қилишда диализ орасида тана вазнининг кўшилиши ва ультрафилтрация ҳажмининг кўрсаткичлари, шунингдек уларнинг мутлақ абсолют қийматларининг "қуруқ" вазнга нисбатини ҳисобга олиш зарурлиги исботланган;

илк бор биоимпеданс таҳлил (БИТ) маълумотларини ҳисобга олиш билан САГ нинг профилактикаси бўйича тадқиқот олиб борилди ва унинг афзалликлари кўрсатиб берилган;

гидратация ҳолатининг верификацияси ва синдиализ гипотензия профилактикасининг алгоритми ишлаб чиқилган ва тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган замонавий ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий

жихатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳозирги вақтда гемодиализ ва диализловчи эритма таркибининг кўрсаткичларини танлаш бўйича фойдаланилаётган тавсиялар гемодиализнинг техник томонига боғлиқ бўлган омилларнинг таъсирини минималлаштиришга имкон яратади, бу шахсан, бемор билан боғлиқ бўлган омиллар аҳамиятини оширади. Тадқиқот натижаларига кўра биоимпеданс спектрометрияда (БИС) маълумотларини ҳисобга олиш билан интрадиализ гипотонияси профилактикасининг рационал йўналиши аниқланиши билан изоҳланади.

Ишнинг амалий аҳамияти шу билан аниқланадики, олиб борилган тадқиқот натижалари асосида дастурий гемодиализда бўлган беморларда гидратация ҳолатининг верификацияси ва синдиализ гипотензия профилактикасининг алгоритми ишлаб чиқилди, бу САГ ривожланишини 2,5 баравар пасайишига имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Синдиализ артериал гипотониянинг клиник ва патогенетик механизмларини ўрганиш, даволаш тактикасини оптималлаштириш ва беморларда синдиализ артериал гипотензия профилактикасининг муқобил усуларини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Синдиализ артериал гипотония профилактикасининг усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 апрелдаги 8н-д/144-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома буйракнинг сурункали касаллиги бўлган беморларда гемодиализнинг такрор сеансларида синдиализ артериал гипотензия ривожланишини 2,5 баравар пасайтириш имконини берган;

«Синдиализ артериал гипотензиясини ривожлантириш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 апрелдаги 8 н-д/144-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ривожланадиган синдиализ артериал гипотониянинг ташхислаш ва олдини олиш самарадорлигини ошириш имконини берган;

синдиализ артериал гипотония ривожланиши, даволаш ва профилактикаси бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика Эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий амалий тиббиёт маркази, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд филиали, академик Я.Х.Туракулов номидаги махсус эндокринология илмий амалий маркази, Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 ноябрдаги 08-09/18008-сон маълумотномаси). Олинган натижаларни амалиётга тадбиқ

этиш даволаш самарадорлиги ошириб, гемодиализ вақтида синдиализ артериал гипотониянинг келиб чиқишини олдини олиш ва беморларнинг умумий ахволи яхшиланишига, шу билан бирга гемодиализни кўтара олиш ва самарадорлигининг ошиши, шунингдек синдиализ артериал гипотензиянинг ривожланиш сонининг пасайиши имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шулардан 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 100 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Гемодиализда бўлган беморларда синдиализ артериал гипотониянинг замонавий жиҳатлари”** номли биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Муаммонинг замонавий ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлил қилинган. Ушбу патологиянинг этиологик ва патогенетик жиҳатлари ақс эттирилган, САГ ривожланишининг клиник шакллари тасвирланган. Ушбу патологиянинг коррекцияси ва профилактика жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертациянинг **“Буйракнинг сурункали касаллиги билан оғриган беморлар текширувининг методологик таҳлили”** номли иккинчи бобида СБК билан оғриган текширувдан ўтган беморларга умумий тасниф берилган. Диссертация иши 2017 йилдан 2020 йилгача Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази (РИН ва БТИАТМ) клиникасининг базаси, факультет, госпитал ички касалликлар кафедрасида (кафедра мудири, т.ф.д. Аляви Б.А.) бажарилди. СБК нинг 5-босқичида бўлган 18 ёшдан 84 ёшгача бўлган 140 нафар беморлар

тадқиқотнинг асоси бўлиб ҳисобланди (ўртача ёш $49,4 \pm 1,3$ ёш), улардан эркалар 52,1% ҳолатларда (73 бемор), аёллар эса 47,9% ҳолатларда (67 бемор) учраган.

АҚШ Миллий буйрак фондининг таснифи бўйича (2002) СБК нинг 5-босқичида бўлган ва 1 йил ва ундан ортиқ вақт мобайнида дастурий гемодиализ олиб борилганлиги **киритиш мезонлари** бўлиб ҳисобланди.

Ўтказилган ўткир миокард инфаркти ёки мияда қон айланиши ва юрак ритмининг ўткир бузилишлари, ўткир йирингли-яллиғланишли ҳамда инфекция касалликлар, эндокрин патологиялар, меъда-ичак йўлининг эрозив-яра касалликлари ва анамнезида ўткир қон йўқотишлар **истисно қилиш мезонлари** бўлиб хизмат қилди.

Қуйидагилар СБК нинг сабаблари бўлиб ҳисобланди: сурункали гломерулонефрит – 51,4% беморларда, диабетик нефропатия – 13,6% да, буйраклар поликистози – 8,6% да, гипертония касаллиги – 7,1% да, буйракнинг туғма дисплазияси – 5,7% да, сурункали пиелонефрит – 3,6% ва бошқа патологиялар (буйраклар амилоидози, подагрик нефропатия, буйрак артерияларининг икки томонлама стенози, сурункали тубулоинтерстициал нефрит ва аниқланмаган сабаблар) – 10,0% беморларда аниқланди.

Систолик АҚБ нинг 100 мм.сим.уст.дан пасайиши ёки клиник симптомлар юзага келганида муолажагача бўлган даража билан таққослаганда 20 мм сим.уст.дан кўпга пасайишини САГ ҳолатлари каби қабул қилинди.

Беморлар дастурий диализда 6 ойдан 216 ойгача бўлдилар (ўртача $84,3 \pm 10,5$ ой).

САГ ҳолатлари сонига боғлиқ ҳолда беморлар уч гуруҳга ажратилди: 1 гуруҳ – 1 йил давомидаги кузатувда САГ ҳолатларининг кўп учраши (ўртача, ойига $7,1 \pm 0,65$) бўлган 57 нафар бемор; 2 гуруҳ – 1 йил давомидаги кузатувда САГ ҳолатларининг кам учраши (ўртача, $0,92 \pm 0,12$ ойига) бўлган 42 нафар бемор; 3 гуруҳ – САГ ҳолатлари бўлмаган 41 нафар бемор, улар назорат гуруҳини ташкил қилдилар.

Барча беморларда қоннинг клиник ва биокимёвий тахлили ўрганиб чиқилди, ошқозон-ичак йўли, эндокрин тизими касалликлари ва иккиламчи артериал гипотензиянинг бошқа сабабларини инкор этиш мақсадида асбобий текширувлар ва мутахассислар кўруви олиб борилди. Шунингдек умумқабул қилинган 12 тармоқдан олинган электрокардиограмма (ЭКГ) ва эхокардиография (ЭхоКГ) натижалари (юрак камерасининг ўлчамлари, деворининг қалинлиги ва миокарднинг қисқарувчанлик қобиляти) баҳоланди.

Маълумот тўплашда гемодиализ асоратларининг клиник намоён бўлишига алоҳида эътибор қаратилди. Анамнез маълумотларининг тахлили олиб борилди, уларнинг характери асосий касалликка боғлиқ ҳолда ҳисобга олинди. Дастурий гемодиализ усули билан даволаш давомийлигининг маълумотлари, уни кўтара олиш хусусияти, қўлланилган медикаментоз даво (айниқса кардиотроп ва гипотензив) ўрганилди.

ЖССТ таснифи (2006) бўйича ортиқча тана вазнини аниқлаш билан тана вазни индекси (ТВИ) кўрсаткичларини ҳисобга олиб антропометрик маълумотларни баҳолаш олиб борилди: ТВИ 18,5 кг/м² дан паст бўлганида тана вазни етишмовчилиги, 25,0-29,9 кг/м² – ортиқча тана вазни; 30,0 кг/м² дан юқори бўлганида семизлик деб ҳисобланди.

АҚБ гемодиализ сеансидан олдин, сеанс вақтида (1 соат интервал билан) ва сеанс тугаганидан сўнг баҳоланди. Тегишли кўрсаткичларнинг ўртача қийматлари 1 ойлик кузатувлар учун ҳисоблаб чиқилди. Бундан ташқари, биз гемодиализ муолажасидан 1, 2, 3, 4 соат олдин ва муолажа охиригача систолик ва диастолик АҚБ нинг нисбий (фоизда) пасайишини ҳисоблаб чиқдик.

12 ойлик кузатув маълумотларини таҳлил қилиб бўлгач, биз 1 ой ичида бўлган САГ ҳолатларининг ўрта ва максимал сонини аниқладик. Биз томондан кузатувда бўлган беморлар ҳафтасига 3 соатдан 2 маҳалдан то ҳафтасига 5 соатдан 3 маҳал гемодиализ билан даволанганлар.

Сув-электролит мувозанати ва САГ ҳолатларининг сони орасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш мақсадида биз беморларнинг қон зардобдаги электролитлар даражаси, шунингдек иммунофермент таҳлил усули билан паратгормон (ПТГ) нинг зардобдаги концентрациясини баҳоладик.

Тана таркибини баҳолаш «МЕДАСС» (Россия) фирмасининг АВС-02 биоимпедансли анализатори ёрдамида олиб борилди. Биоимпеданс таҳлил (БИТ) организмдаги энергия алмашинуви жараёнларининг ҳолатини – асосий алмашинув, солиштирма асосий алмашинув, ва хужайравий мембраналар ҳолати – босқичли бурчакни характерлайди. Беморларда диализ орасидаги тана вазнининг ортиши агрессив ультрафильтрация (УФ) ни талаб қилади, бу эса интрадиализ асоратига олиб келади.

Параметрик ва нопараметрик статистика усуллари билан шахсий компьютерда Microsoft Excel – 2019 дастурий пакети билан статистик таҳлил қилинди. Кўрсаткичлар $M \pm SD$ сифатида тақдим этилди. Тафовутлар $p < 0,05$ бўлганида ишончли ҳисобланди.

Диссертациянинг **“Синдиализ артериал гипотония сабабларининг характеристикаси”** номли учинчи бобида ушбу патология билан оғриган беморлар клиник, лаборатор, биокимёвий ва асбобий текширувларининг натижалари таҳлил қилинди.

Тадқиқотга киритилган СБК нинг 5- босқичи билан оғриган 140 нафар беморлар ичидан 1 йил мобайнида САГ ҳолатлари 99 нафар беморларда (70,7%) кузатилди. СБК нинг 5- босқичи билан оғриган беморлар орасида диализ амалиёти олиб борилганида САГ сони 1 ой ичида 0 дан 13 мартагача ташкил қилган. 8 нафар беморларда (8,1%) САГ нинг ривожланиш сони ойига 13 ҳолатни ташкил қилган, яъни 1 ой давомида гемодиализнинг ҳар сеанси вақтида. Клиник гуруҳларда САГ ҳолатларининг ойлик ўртача сонидagi фарқлар статистик аҳамиятга эга бўлди (1-жадвал)

Хуружлар сони бўйича текширувдан ўтган тўлиқ синдиализ артериал гипотензия билан оғриган беморларнинг тақсимланиши

	Беморлар сони	
	Абс.	%
САГ ҳолатларининг мавжудлиги	99	70,7
САГ ҳолатларининг кўп учраши (ойига 7,1±0,65)	57	57,6*
САГ нинг ўртача ҳолатлари (ойига 0,92±0,12)	42	42,4*
САГ мавжуд эмас	41	29,3

Изоҳ: * – САГ билан оғриган беморлар сонининг фоизи.

Ўртача қийматлар қуйидагиларни ташкил қилди: 1 гуруҳда - 7,1±0,62, 2 гуруҳда - 0,92±0,12, 3 гуруҳда - 0,00±0,00 ($p<0,05$).

Эркаклар ва аёлларда САГ нинг сонидаги тафовут статистик аҳамиятга эга бўлмади (ойига 3,2±0,8 ва 3,6±0,7 ҳолатлар, мос равишда).

Кузатилган ҳолатлар бошқа бир қатор клиник омилларга боғлиқ бўлиши мумкин. Хусусан, эркак беморлар аёлларга нисбатан “қурук” вазнининг юқори қийматларига эга бўлдилар — 74,6±2,2 ва 62,0±1,7кг, мос равишда ($p<0,001$). Бизнинг тадқиқотимизда беморлар ёши ва САГ ҳолатларининг ўртача ойлик сони орасидаги боғлиқлик баҳоланди ($r_s = -0,098$, $p>0,1$).

АҚБ пасайишининг тез-тез учраши ҳам бир қатор ёш, ҳамда баъзи кекса ёшдаги беморларда ҳам кузатилди. Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, буйрак сурункали касаллиги 5- босқичининг нозологик тузилиши алоҳида ёш гуруҳларда аҳамиятли фарқ қилди. Шундай қилиб, қандли диабетнинг 1 тури билан оғриган кўпчилик беморлар 40 ёшдан кичик бўлганлар ва САГ ҳолатлари кўп учраган. Сурункали гломерулонефрит билан оғриган беморларнинг ($n=52$) кўпчилик нозологик кичик гуруҳларини алоҳида таҳлил қилиб, биз унда 1 йил давомидаги кузатувда САГ ҳолатларининг ўртача ойлик сони ва беморларнинг ёши орасидаги ўрта кучликдаги ижобий корреляцион боғлиқликни аниқладик ($r_s=0,342$; $p=0,028$).

Шу нарса аниқландики, САГ ҳолатлари қандли диабет (ҚД) билан оғриган беморларда энг кўп учрайди. ҚД билан қиёсланганда, сурункали гломерулонефрит билан оғриган беморларда САГ ривожланишининг нисбий учраш хавфи 62% га, буйрак поликистози билан оғриган беморларда эса – 81% га камлиги аниқланди.


Гемодиализ қўллашнинг ўртача давомийлиги САГ ҳолатлари кўп бўлган беморларда максимал (110,3±8,5 ой) ва назорат гуруҳида минимал (65,2±12,4 ой) (тафовутлар статистик аҳамиятга эга ($t=2,24$; $p<0,05$)), САГ ҳолатлари нисбатан кам кузатилган гуруҳда ўртача давомийлиги 84,1±9,4 ойни ташкил қилган.

Кузатув даврида диализдан олдинги ўртача систолик ва диастолик АҚБ қуйидагиларни ташкил қилди: САГ ҳолатлари кам учраган беморларда – 135,8±2,9 ва 80,1±2,1 мм.сим.уст., у кўп учраган беморларда – 117,7±3,4 ва 71,0±2,1 мм.сим.уст., назорат гуруҳида (САГ ҳолатлари кузатилмаган) – 149,1±5,1 ва 85,1±2,9 мм.сим.уст., мос равишда. Назорат гуруҳидаги

беморларнинг кўпчилигида диализдан олдинги АҚБ артериал гипертензияга хос бўлган (асосан, систолик).

Корреляцион таҳлил систолик АҚБ нинг диализдан олдинги кўрсаткичларининг гемодиализ билан даволашнинг давомийлиги ($rs = -0,320$) ва САГ ҳолатларининг ўртача ойлик сони ($rs = -0,421$; $p < 0,001$) билан манфий корреляция аниқланди. Диастолик, ўрта ва пульсли предиализ АҚБ нинг кўрсаткичлари билан кучсиз ўзаро боғлиқлик аниқланди.

АҚБ интрадиализ кўрсаткичларининг таҳлили САГ ҳолатларининг 3-4 соатдан сўнг ривожланишини кўрсатди, ва улар 60,6% беморларда 1 соатдан, 18,3 % да - 1-2 соатдан, 5,6 % да - 2-3 соатдан, 7,0% да – 3 соатдан кўп давом этамаган (1-расм).



1-расм. Синдиализ артериал гипотония билан текширувдан ўтган беморлар орасида синдиализ артериал гипотония ҳолатларининг давомийлиги

Ўрта систолик ва диастолик АҚБ 1 ва 2 соатдан сўнг унинг диализдан олдинги ва диализдан кейинги кўрсаткичлари деярли ўзгармаган. Ўрта систолик АҚБ 3 соатдан кейин ($112,3 \pm 4,1$ мм.сим.уст.), 4 соатдан кейин ($103,8 \pm 2,6$ мм.сим.уст.) ва диализдан кейин ($117,0 \pm 4,2$ мм.сим.уст.) диализдан олдинги кўрсаткичлардан, – ($145,0 \pm 4,7$ мм.сим.уст) ишонарли кам бўлган ($p < 0,01$). Шунингдек диастолик АҚБ нинг кўрсаткичлари диализдан сўнг 3 соатдан кейин ($62,4 \pm 1,8$ мм.сим.уст.) ва 4 соатдан кейин ($60,0 \pm 1,5$ мм.рт.ст.) диализдан олдинги кўрсаткичлардан ($76,3 \pm 2,3$ мм.сим.уст) ишонарли кам ($p < 0,001$) ва диализдан кейинги диастолик АҚБ диализдан олдинги АҚБ билан бир хил бўлди.

Ўрта интрадиализ систолик АҚБ гемодиализ давомийлиги ($rs = -0,458$; $p = 0,042$) ва тана вазнининг диализ орасидаги ошиши ($rs = -0,469$; $p = 0,037$) билан манфий корреляцион боғлиқликда бўлди.

САГ ҳолатлари кўпчилик беморларда диализ орасида ва кейинги гемодиализда артериал гипертензия билан параллел равишда аниқланди. Гипотензив препаратлар беморларнинг 68,6% да, кўпинча ангиотензинни айланттирувчи фермент ингибиторлари, кам ҳолларда – β -адреноблокаторлар ва калций каналлари блокаторлари қўлланилди. Эритропоз стимуляторлари 65,7% беморларга тавсия этилди.

Беморларимизнинг кўпчилиги гемодиализни ҳафтасига 3 марта, САГ ҳолатлари бўлган 36 нафар беморларнинг 3 нафари (8,3%) – 2 марта қабул қилдилар. САГ ҳолатларининг ўртача ойлик сони ва гемодиализда АҚБ нинг оғиши ушбу беморларда деярли бошқа беморлардан фарқ қилмади. Шундай қилиб, гемодиализлар сони САГ ҳолатлари сонига таъсир кўрсатмайди, лекин унинг сони ва дозаси монанд бўлмаса таъсир этиши мумкин.

Диализ орасидаги тана вазнининг ортиши 0,8-5,3 кг ни ташкил қилди. Мутлақ қийматларда тана вазнининг ортиши ёши, гемодиализ давомийлиги ва диализдан олдинги АҚБ билан ўзаро алоқа аниқланмади, бироқ ўрта интардиализ систолик АҚБ ($rs = -0,469$; $p = 0,037$) ва гемодиализда систолик ва диастолик АҚБ нинг нисбий (%) кўтарилишида статистик жиҳатдан ишонарли корреляцион ($rs = -0,262$; $p = 0,012$ и $rs = -0,312$; $p = 0,002$, мос равишда) боғлиқлик қайд этилди.

Корреляцион таҳлилда диализдан олдинги АҚБ нинг ўрта даражаси гемодиализ билан даволаш давомийлиги ва САГ ҳолатларининг ўртача ойлик сони билан манфий корреляция аниқланди.

1 гуруҳда диализдан кейинги систолик ва диастолик АҚБ нинг ўрта даражалари 1 ой давомидаги кузатувда $121,2 \pm 3,6$ ва $73,1 \pm 1,7$ мм.сим.уст., 2 гуруҳда - $100,2 \pm 3,9$ ва $63,3 \pm 2,6$ мм.сим.уст., 3 - гуруҳда - $145,4 \pm 3,3$ ва $83,1 \pm 1,7$ мм.сим.уст. ни мос равишда ташкил қилди. Систолик АҚБ нинг даражаси 1 ($t = -4,96$, $p < 0,001$) ва 2 гуруҳлар ($t = -9,77$, $p < 0,001$) билан таққослаганда, назорат гуруҳида аҳамиятли юқори бўлди. Шунингдек диастолик АҚБ нинг фарқи статистик аҳамиятга эгаллиги ($t = -3,51$, $p = 0,001$ ва $t = -7,09$, $p < 0,001$, мос равишда) тасдиқланди.

Диализдан кейинги АҚБ нинг даражаси диализдан олдинги АҚБ каби гемодиализ билан даволаш давомийлиги ва САГ ҳолатларининг ўртача ойлик сони билан корреляцияланди. Шундай қилиб, АҚБ нинг диализдан олдинги, диализ вақтидаги ва диализдан кейинги даражалари, шунингдек гемодиализ амалиёти вақтида АҚБ нисбий ўзгаришларининг кўрсаткичлари турли клиник омиллар билан кўп сонли корреляциялар алоқалар билан боғланган. АҚБ нинг энг кўп аҳамиятли пасайиши, қоидага кўра, гемодиализ сеанси бошланганидан сўнг 3-4 соатдан кейин рўй беради. САГ ҳолатлари кўп учрайдиган беморларда, у бўлмаганларга нисбатан, диализдан олдинги ва диализдан кейин пастроқ АҚБ қайд этилди.

САГ ҳолатлари нисбатан кам учрайдиган беморлар таққосланадиган диализдан олдинги қийматларга эга, бироқ, унинг ҳолатлари бўлмаган беморлар билан таққослаганда, диализдан кейинги кўрсаткичлар анча паст эканлиги аниқланди.

Шу туфайли биз гемодиализ олган беморларнинг медикаментоз давосини таҳлил қилдик. Уларнинг кўпчилигига гипотензив дори воситалари (140 нафаридан 96 нафарига - 68,6%) ва эритропоз стимуляторлари (65,0%; 140 нафаридан - 91 беморга) тавсия этилди. Уларни қўллаш сони САГ ҳолатлари бўлган беморларда 3-гуруҳдагилардан фарқ қилмаган. Гипотензив препаратлар артериал гипертензия ҳолатлари бўлганлиги, шунингдек

кардиопротекция ва сурункали юрак етишмовчилигини даволаш мақсадида тавсия этилди.

Монотерапияни 26,4%, 2 препарат – 29,3%, 3 препаратни - 8,6% беморлар қабул қилдилар.

Чап қоринча гипертрофиясини аниқлаш ва миокард қисқарувчанлигини баҳолаш учун беморларда эхокардиографик текширув ўтказилди. Асосий кўрсаткичларнинг ўрта қийматлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Клиник гуруҳларда эхокардиографик кўрсаткичлар


Кўрсаткич	Гуруҳ 1	Гуруҳ 2	Гуруҳ 3
ОДЎ, см	3,31±0,13	3,48±0,18	3,53±0,12
ОСОЎ, см	4,97±0,11 **	5,32±0,15	5,59±0,12
ҚАТҚ, см	1,15±0,05 *	1,22±0,05	1,32±0,05
ЧҚОДҚ, см	1,06±0,04 **	1,11±0,04**	1,29±0,03
Отилиш фракцияси, %	62,6±1,8	64,7±2,4	65,3±2,6
Қисқартириш фракцияси, %	34,2±1,2	35,6±1,5	36,5±1,9
ЧҚММ, г	274,9±21,7**	301,5±24,6 *	387,2±19,5
ЧКММИ, г/м ²	164,0±11,5**	184,5±15,9	206,1±7,2

Изох: * p<0,05, ** p<0,01 3-гуруҳ билан таққослаганда. ОДЎ- охириги диастолик ўлчам, ОСО- охириги систолик ўлчам, ҚАТҚ- қоринчалараро тўсиқ қалинлиги, ЧҚОДҚ- чап қоринча орқа девор қалинлиги, ЧҚММ- чап қоринча миокард массаси, ЧКММИ- чап қоринча миокард масса индекси.

1-гуруҳ беморлари, 3-гуруҳ билан таққослаганда, ОДМ, КОТҚ, ЧҚОДҚ, ЧҚММ ва ЧКММИ нинг паст кўрсаткичларига эга бўлди. 2-гуруҳ беморлари, 3-гуруҳ билан таққослаганда, ЧҚОДҚ ва ЧҚММ паст кўрсаткичларига эга бўлди. 1- ва 2-гуруҳлар орасида сезиларли тафовутлар аниқланмади. Олинган натижаларни артериал гипертензиянинг 3-гуруҳда юқори даражада тарқалганлиги билан боғлаш мумкин. Беморларнинг кўпчилигида систолик фаолият меъёр атрофида бўлди. Чап қоринча қон отиш фракциясининг пасайиши 1, 2, ва 3 гуруҳларда мос равишда 19,3%, 16,7% ва 14,6% кузатилди.

Асосий эхокардиографик кўрсаткичлар САГ ҳолатларининг ўртача ойлик сони билан манфий корреляцияланди. Шу кўрсаткичларнинг ўзи АҚБ нинг диализдан олдинги кўрсаткичлари билан чамбарчас боғланган эди, бунда диастолик АҚБ билан ОДМ, систолик АҚБ билан эса — КОТҚ, ЧҚОДҚ ва ЧКММИ корреляцияланди. Диализдан кейинги систолик ва диастолик АҚБ билан барча кўрсатиб ўтилган параметрлар, шунингдек ОДМ корреляцияланди. Аниқланган ўзаро алоқалар кучсиз ва ўртача кучга эга бўлдилар.

Умуман олганда, бизнинг маълумотларга кўра, гемодиализ тартиби САГ ривожланишининг сонига сезиларли таъсир кўрсатмади. Бироқ гемодиализнинг мослиги ва дозасини аниқлаш бўйича мавжуд тавсияларга амал этилмаган вазиятларда ушбу омил аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигини биз инкор қилмаймиз. Диализлар орасида тана вазнининг қўшилиши 0,8 дан 5,3 кг гача ўзгариб турди (2-расм).



2-расм. Синдиализ артериал гипотензия ривожланишига боғлиқ ҳолда диализлар орасида тана вазнининг қўшилиши

Гурухлараро аҳамиятга эга бўлган тафовутлар аниқланмади. Ўртача қийматлар қуйидагиларни ташкил қилди: 1-гурухда - $3,15 \pm 0,16$ кг, 2-гурухда - $2,86 \pm 0,19$ кг, 3-гурухда - $2,94 \pm 0,26$ кг.

Тана вазн қўшилишининг мутлоқ қиймати беморлар ёши, гемодиализ билан даволашнинг давомийлиги ва АҚБ диализдан олдинги кўрсаткичлари билан корреляцияланмади. Бироқ бунда гемодиализ муолажасининг охиригача систолик АҚБ нинг ўрта интрадиализ қийматлари ($r_s = -0,469$; $p = 0,037$) ва систолик ва диастолик АҚБ нинг нисбий (фоизда) ўзгариши билан статистик жиҳатдан ўзаро боғлиқлик кузатилди ($r_s = -0,262$; $p = 0,012$ и $r_s = -0,312$; $p = 0,002$, мос равишда). Бундан ташқари, биз диализ орасида тана вазни қўшилишининг калий даражаси билан кучсиз мусбат корреляциясини аниқладик ($r_s = 0,253$; $p = 0,024$).

Шунингдек диализ орасида тана вазни қўшилишининг “қуруқ” вазнга нисбатини баҳолашни муҳим деб ҳисобладик. Ушбу кўрсаткич, 3-гурухга қараганда, 1- гурухда мос равишда юқори бўлди – $5,04 \pm 0,29\%$ ва $3,94 \pm 0,41\%$, ($t = 2,20$; $p = 0,038$). 2-гурухда ўртача қиймат $4,49 \pm 0,39\%$ ни ташкил қилди. Тана вазнининг нисбий ошиши клиник ва лаборатор маълумотлар билан кўп сонли корреляцияларга эга бўлди.

Гемодиализ муолажасининг охиригача нисбий интрадиализ вазн ортишининг систолик АҚБ нинг фоиздаги ўзгариши билан ўзаро боғлиқлиги юқори даражада статистик аҳамиятга эга эканлиги билан характерланди ($p < 0,001$).

Ультрафилтрация хажми интрадиализ вазн ортиши билан юқори боғланган бўлиб ($r_s = 0,795$, $p < 0,001$) 0,1 дан 4,9 л ни гачани ташкил қилди. Биз шунингдек ультрафилтрация хажмининг “қуруқ” вазнга нисбатини ҳисоблаб чиқдик. Унинг нисбий ва мутлақ қийматлари бўйича аҳамиятга эга бўлган гурухлараро тафовутлар кузатилмади, бироқ 1-гурух 3-гурух ($4,24 \pm 0,48\%$) билан таққосланганда нисбий кўрсаткичнинг ($5,20 \pm 0,29\%$) ошишига мойиллик кузатилди.

Корреляцион таҳлил натижасида шу нарса аниқландики, асосий клиник кўрсаткичларнинг ультрафилтрациянинг нисбий қийматлари билан

корреляцияси кўп ҳолатларда, мутлақ кўрсаткич билан корреляцияга караганда, ишончли ва статистик аҳамиятга эга бўлди.

Диализловчи эритмалардаги натрий, калий ва бикарбонат концентрацияларининг ўрта қийматлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Диализловчи эритмаларда қўлланилган натрий, калий ва бикарбонатнинг концентрациялари

	1-гурух	2-гурух	3-гурух
Натрий, ммоль/л	139,6±0,3	139,2±0,4	138,5±0,3
Калий, ммоль/л	2,24±0,08	2,12±0,06	2,08±0,08
Бикарбонат, ммоль/л	33,9±0,4	34,6±0,3	34,9±0,4

АҚБ нинг пред-, интра ва диализдан кейинги кўрсаткичлари билан аҳамиятга эга гуруҳлараро тафовутлар ва корреляциялар аниқланмади.

Шунингдек, тадқиқотимизда САГ нинг ривожланишига олиб келувчи омилларни аниқлаш учун клиник таҳлил кўрсаткичлари баҳоланди. Бунда гемоглобин ва гематокрит даражаси бўйича аҳамиятли гуруҳлараро тафовутлар аниқланди. Анемия (ЖССТ тавсияларига мувофиқ, 2016 й.) 1-гурухда - 66,7% да, 2-гурухда - 59,5% да, 3-гурухда - 39,0% беморларда аниқланди.

Клиник гуруҳлардаги қизил қон кўрсаткичлари 4-жадвалда кўрсатилган.

4-жадвал

Клиник гуруҳлардаги қизил қон кўрсаткичлари

Кўрсаткич	1-гурух	2-гурух	3-гурух
Гемоглобин, г/л	107,4±2,1 *	108,4±1,4 *	118,0±2,1
Гематокрит, %	32,0±0,6*	31,4±0,5*	35,0±0,6
